



* «Ўзбекистон — келажиги
буюк давлат» танловига

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ҚУТЛУҒ БАШОРАТ

ВАҚТ билан воқеликлар одам фикрини бо-
йитади. Бу жихатдан Ўзбек жамияти учун
сентябрь воқеалари — ўша тарихий олтин куз
қуларининг хислати бебаҳодир. Буюк воқе-
лар арафасида ҳалигача айтиммаган гаплар
айтилади, кўз илгамас олис-олислар яқиндан
кўрилади, ақл бовар қилмайдиган улугъ эгулик
яқин турмуш оқимида қўшилди. Келажак уми
ди билан бир дунё бойиди. Ўзбек халқи ўз
истиқлолига эга бўлди.

Ўзбекини беҳад улугълаган бу ижтимоий,
сиёсий, тарихий воқелик бошланган буюк
сентябрь қуларидан эътиборан Ўзбек жамия-
тининг қадим тарихи тикланиб, унинг энг ян-
ги ва олий даври бошланди ва «энг янги
тарих» китобининг «олий босқич» боби очил-
ди. Салкам икки йил бўлгани, қалблардан
қувонч, чеҳралардан шодлик аригани йўқ.
Бизга бу шодлиқни келажак жарчиси — Мус-
тақиллик ҳақидаги тарихий наъра ва ундан
сўнг суверен Ўзбекистон давлатининг асосий
Қонуни — Конституциямиз инъом этди.

Бу — кимдир икки қўлаб тақдим этган
эхсонди инъом эмас, албатта, ёни осмондан
тушиб тўсатдан пайдо бўлган истиқлол ҳам
эмас. Бу — халқимизнинг неча-неча асрлар-
дан бўён қилиб келган ораси, ўй-санаси, ку-
раши ва ҳаракатининг натижаси сифатида
юзага чиқди.

Оғли меҳнат бошланган энг қадим замон-
лардамоқ одам келажак қайғуси ва ораси би-
лан яшаб келди ва ана шу ниятда яшамокда.
Одамнинг оғли ўйотган дақиқалардан бери
нисон келажак пардаларини очиб ташлаш иш-
қиди ёнди. Эртани билди, келажакни эгашлаш
унинг одамийлик ҳусуситидан келиб чиққан
заурат, унинг табиат ҳамда жамият олдидан
гирчи талобатидир.

Нисон мақсад ва маслак билан тирик. Уни
ҳаракатга солган куч ҳам мурод-мақсадга эри-
шиш учун иштиш зарурати. Қўлар қатори
фикрловчи нисон муҳтарам Президентимиз
Ислом Каримовни ҳам башорат қилиб,
жасорат қўратганига олиб келган куч ҳам ана
шу табиат қонунига, яъни ундаги келажак
масъулияти ҳиссининг оғли маъсуллар.

Нисон тақдир ҳақида қайғурувчи ва чуқур
фикрловчи кишилар нисонга хизмат қилади-
ган ишларини аввалдан ўйлаб қўйдилар. Одам
олдинги кўрмаса, хизматининг мевасини ав-
валдан намаллаб олмаса, анқирғи, ақдан узок-
ни кўриб унга етишиш учун курашмаса, ҳаёт
лаззатини қадрлай олмайди. Президентимиз
Ислом Каримов ўз башорати билан қадрият-
ларини тиклаш ва ривожлантиришга хизмат
қила оладиган қудратли Ўзбек давлати
барпо қилиш йўлларини топди ва
уни барпо қилиш учун жасоратли фаолият
қўратмокда. Бунинг асослари борми? Бор!
Асослари бир эмас неча!

Мустақил, суверен давлат бўлиши Ўзе-
бекистон Республикасининг биринчи Президи-
нти Ислом Каримов Камол Ота Турк янглиғ
ўз давлатининг ўзи йўли — ўз мустақил сиё-
сатини эълон қилди ва уни оғишмай амалга
ошира бошладилар.

Мисли қўрилмаган жасорат эгаси бўлган Ис-
лом Абдулғафур Каримов Ўзбекистонда иш-
тиқиб ижодкор, мустақиллик ташаббусчи-
си ва ташкилотчи бўлиб майдонга чиқди.
Ешлдан истиқлол ҳақида тинмай ўйлаб,
қатъият билан уни қўлга киритган давлат ар-
боби Ўзбекистоннинг буюк ўтмиши, диёрнинг
қазилмаларга ниҳоятда бой замини, ер-суви-
нинг унумдорлиги, айниқса, халқининг фидо-
йилиқларини беҳиш заҳматқашлигига суял-
ган ҳолда унинг келажакни кўра олди. Мо-
зийни ва онийини мукаммал аниқлаб, моҳирлик
билан уни тақдир этиб, ундан оқилона хуло-
са чиқарди. Унинг илмий, амалий доно бу ху-
лосаси Ўзбекистоннинг келажакни аниқлаган
башорат бўлиб майдонга чиқди.

«Ўзбекистон — Батаним маним», деган
мағрур кўз билан унинг тақдирига боқар
эканман, Афросиёб горидай чуқур, Тивншон
тоғидай баланд, ўтмиш қадриятларимиздай
азиз, қўшмишдай, момғинишдай мусаффо
келажакни мен кўриб турмаман.

Ўзбекистон Республикаси мустақил суве-
рен давлат бўлиб ўз байроғини кў-
тарди. Бизнинг давлат байроғимиз Бир-
лашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк-
даги бош қароргоҳи биносига тенг ҳуқуқли
дунё давлатлари тўғрисида қаторида порлаб
турибди.

Бизнинг давлатимизни Ер юзининг
бир юз ўттиз давлати тенг ҳуқуқли сафдош,
деб тан олди. Туркия-Эрондан бошлаб Аме-
рика Қўшма Штатларигача Ўзбекистон дие-
рида элчионаларини очди.

Башарият аҳамиятига молиб бўлган барча
дунё ташкилотлари ўтмиш буюк ва келажак-
ги буюк Ўзбек давлатини жон, деб ўз сафла-
рига аъзо қилиб қабул этдилар ва этмокда-
лар. Дунё ривожланиш банкидан тортиб, Ов-
рупо ширкатларига, ЮНЕСКОдан тортиб,
Оврупо экологик уюшмаларигача Ўзбекистон
билан борди-келди қилиб, иқтисодий, сиёсий,
молиявий, тижоратда ҳамкорлик ўрнатмокда-
лар. Тенг шерикча қўшма корхоналар яра-
тилмокда. Биргина Ўзбек-турк қўшма кор-
хоналарининг сон етмишдан ошди.

Бу ҳамкорлик эртаги мева ҳам бера бош-
лади. Хоразмда қуриладиган «Мерседес» ав-
томашиналари корхонаси мустақиллигимиз-
нинг икки йиллигига қад кўтариб қолса
ажаб эмас. Россия ҳамкорлигига тикланаёт-
ган автозавод эса, ўша кунгача цехлари дар-
возасидан кунига биттадан юк машина чиқара
бошламокчи.

Жанубий Қўрига бирга яратилган
Аска заводига ҳам икчам юк машиналари,
кичан бежирим ва кам ҳаракатли ўз ав-
томашиналари қўчаларинида ғир-ғир қатнай-
ган вақт ҳам қилинаб қолди. Хитой билан
биргаликда қурилган корхонамиз чиқараётган
катта-кичик термослар Ўзбек тамғаси билан
жаҳон бозорига ҳам юборилляпти.

Пахтамиз, пилламыз, қоракўлимиз жаҳон
бозорига валютасига сотилляпти. Дунёда энг
сифатли, яъни «бешта тўғиз» рейтингли ол-
тинимиз ювиниб-тараниб ўз хазинахонамизга
тушляпти. Қўрошми ва мис конлари ҳам то-
пилди. Қора олтин, нефть захираларига ҳам
бойимиз. Улар ҳам юзага чиқадилар. Бу соҳада
катта ишлар борапти. Бир сўз билан айтган-
да, мустақил мамлакатнинг эр мустақил иқ-
тисодиёти яратилмокда.

«Кечаётган ҳар бир кунимиз мустақиллик
дарси бўлсин», деди Каримов.

«Ўзбекистон — келажак буюк давлатдир»,
деб башорат қилган Президент Ислом Кари-
мов унинг битмас-туғамас табиий бойлиги
ўтмиш ва ҳозирги кундаги ривож тақдир-
га асосланган, айниқса, Ўзбек халқи буюклик
шайхонаси илдизларига таъйиб, келажак тақ-
дирини тасаввур қилган, тасаввуринга эмас,
ҳисоб-киتابини қилиб, рекисини кифтига
келтириб қўйиб, ўз башоратини халқига эъ-
лон қилган эди.

Буюк давлатчилик Ўзбек халқига бобоме-
рос, отамеросидир! Буюк давлат — бизга та-
рих меросидир!

Ўзбек давлатчилигининг буюклик шайхона-
си қадим замонларда, ҳали на Европа, ва на
Америка қитъаларида у ё бермаган замонлар-
да илди этган. Турон давлати Алп Эртўнга
подшоҳлик қилиб, Турон мустақиллигига асос
солган, яъни Афросиёб давлатини кўкка кў-
тарган.

Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу
Тоҳирхожа Самарқандий, Табарий, Хондамир
каби алломаларини мамнулик билан улугъ-
лаган Афросиёб, қадимий Мароканд харабаси
ўрнида қад кўтарган Афросиёб тепалиги ба-
рида, унинг сирли гори қўйинида қанча та-
рих ишларини ётди.

Чин — Мочиндай буюк давлат билан мутта-
сил курашиб, кўнеларини Туркистонга қал-
қон қилган фарғоналиклар, Эрон шоҳлари
беҳисоб лашкарларининг тинқасини қўришиб,
бу билан қўшларини сақлаб қолган баҳо-
дирлар қон бўлиб оқсалар ҳамки, мустақил-
лиқни асраб турдилар. Батанимизни вақтин-
ча асоратга солган Искандар Зулқарнайн —
шоҳли Искандарнинг бутун дунёни босиб олиш
нияти Туркистонда, бизнинг юртимизда бар-
бод бўлди. Ушанда жаҳон тарихчилари «Тур-
кистон Искандарнинг шохини синдирди» деб
ёзган эдилар.

Қадимдан буюклигимиз ва мустақил бўл-
ганимиз тарихдан маълум ва машҳур. Қа-
димги ва ҳозирги Ўзбекистон Батанимиз ер-
ларида Қанғха, Фарғона, Хоразм, Бактрия,
Қўшон подшоҳлиги, офталит ва Турк ҳонқо-
лиги сингари қудратли давлатлар мавжуд эди.
Бироқ тарихий «халқлар кўчиши» даврида
бир қисм аҳоли ғарбга — «охирги деңгизга-
ча», яна бир қисми Оврупа ва Осиёнинг оёқ
етган жойларига бориб ўрнашиб олдилар.
Хайриятки, буюк бобокўшларимиздан бири
бўлиши Абу Муслим Соҳибқирон Хуросон ва
Мовароуннахрни бирлаштириб, унга амир бў-
либ, мамлакатни мустақилликка эриштиради.
«Муқанна» тахлуқинини олган Хошим ибн
Ҳаким, Исмомл Сомотий, Қоракўшлар, Хо-
размшоҳлар то Чингизхон бостириб киргунча
мустақиллиқни ҳимоя қилдилар. Бироқ Чин-
гизхонга қатъий қаршилик қўратган Жало-
лиддин Ёлғизлик қилиб қолди.

Юз йиллик мўғул асорати халқимиз ораси-
дан Маҳмуд Торобийдай паҳлавонлар, сар-
бардорлардай баҳодирларни зулматга қарши
курашга солди. Бу шоҳли курашини улугъ бобо-
миз Амир Темур гаплаба билан якунлади.
Амир Темур даври қадимдан буюк Ўзбек
давлатининг энг тараққий тошган, унинг пой-
тахти бўлиши Самарқанднинг «Ер юзининг
сайқали» бўлган даври бўлди. Афсуски, улугъ
Амир Темурдан кейин амирзодалар боболари-
нинг изини бажара олмасалар-да, фан, мада-
нийятни гўллатиб яппата олдилар. Шайбоний-
лар эса, Мовароуннахр, Хуросон, Фарғона ва
Хоразминни ягона бир байроқ остида ушлаб
турсалар-да, Амир Темур тузган давлатни
тўлиқ сақлай олмадилар.

Амир Темур ва Темурийлар давлати ҳақида
кўп асарлар ёзилди, илмий тадқиқотлар ўтқа-
зилди, бироқ ҳеч бири, муҳтарам Президенти-
миз Ислом Каримов айтганидай, улугъ бобо-
миз сиймосини, унинг давлатга салобатини
тўғри талқин қилмади, ҳатто бутун дунё эъ-
тироф этган Марис — Энгельсдай давлатшу-
нослар мақтаб ўтган «Темур тузуқлари»ни
ҳам икдор этдилар. Шунинг учун Ислом Ка-
римов бир гуруҳ ёзувчилар билан бўлган
учрашувда улугъ бобомиз Амир Темурни қай-
тадан ўрганишимиз керак, деб даъват этди.
Бу даъват жуда тўғри, унга ҳаммамиз амал
қилишимиз керак.

Темурий амирзодалар ичидан етишиб чиқ-
қан шоир, аллома Заҳириддин Муҳаммад Бо-
бур миллатимизнинг донгини таратиб, Хин-
дистонда буюк давлат яратди ва тарқоқ ҳол-
даги улугъ ҳинд халқини бир давлат байроғи
остида жамлаб маърифатпарварликда буюк
тарихий ишлар қилди. Унинг давлатпаҳолиги,
оқилона ҳукмдорлиги ҳақида Жаҳоҳаргаъли
Неру ҳам сўзлаб, «Хиндистонни кашф этган
улугъ инсон», деб баҳолади.

Ўзбекистон дйеридан чиққан уламою фуза-
лолар, олиму паҳлавонлар, лашкарбошилар
Шарқий давлатларда вазиру амир ва сипоҳ
лавозимларида ишлаганлар. Бундай нуфузли
лавозимларга Ўзбеклардан танлаб тайинлан-
ли халқимиз азалдан талантли арбобларга
бой бўлганидан далолат беради.

Яқинда Қозғистоннинг Чимкент вилоятида
уч улугъ эот хотирасига бағишланган тантан-
аларда уч давлат Президентларига ана шу
ҳақиқатни исботлаб бердилар ва ҳозирги мус-
тақиллик шароитида Туркистон халқлари бир-
лиги уларнинг мустақилликлари тарови экан-
ини мамнуниёт билан таъкидладилар.

Мамлакатимизга яхши ният билан таширф
бурурган Туркия Президенти раҳматли Тур-
гут Узоқ «Энди биз Ўзбек ва турк халқлари
абодий биргалик» деб ўз халқининг азалий
нияти рўёғга чиққанини эълон қилди. У яна
бундай деди:

— Йигирма биринчи аср — Туркий халқ-
лар бирлиги ва тантанаси асри бўлади!

Юқоридаги асосларга таъйиб, муҳтарам
Президентимиз Ислом Каримов «Миллати-
миз чуқур илдирига эга. Бу — бизнинг бой-
лигимиз. Шундай экан, бинимиз ҳам баланд,
пойдевори мустаҳкам бўлиши керак. Энди
қўрқмасдан бинони қаватма-қават қўтаришга
асос бор, уни Оллоҳнинг ўзи берган, буюк
аждодларимиз берган» деган хулосага келиб
«Ўзбекистон — келажак буюк давлат» деб
башорат қилди.

Бу башоратни ҳақиқатга айлантириш учун
эса, у киши истиқлолимиз мақсадлари, қан-
дай давлат қўрмоғимиз, қайси йўлдан бормо-
ғимиз, қандай мезонларга амал қилмоғимиз
кераклигини китобларида оқи баён қилди-
лар. «Каримовнинг беш арқони» деб машҳур
бўлган стратегия дастурини амалга оширсак
олий мақсадга етамиз ва Ўзбекистон буюк
давлат бўлиб олиши турган га!

«Ўзбекистон Республикаси» деб ном олган
мустақил давлатимиз ҳар жиҳатдан аста-се-
кин буюк давлатлар қаторига кириб борапти.
Бугунга келиб Ўзбекистоннинг келажакини
бутун жаҳон ўлғулмокда.

— Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги
илк оқимлари унинг Бирлашган Миллатлар
Ташкилотига муносиб ўрин эгаллаётганидан
дарак беради, — дейди ВМТ вакили Халид
Малик.

— Мамлакатимиз иқтисодиётдаги исло-
хотлар билан танишган, Ўзбекистоннинг яқин
10—15 йил ичиде жаҳоннинг энг ривожлан-
ган мамлакатлари қаторига чиқишига амин
бўлдими, — дейди Умумжаҳон иқтисодий ан-
жумани Президенти Клаус Шваб.

— Ўзбекистон қалбимдан катта жой эгал-
лади.

(Нарасиҳа Рао, Ҳиндистон Бош вазири).

Ҳақиқат шу: Ўзбек халқи чуқур илдизли,
ақл-идроқли, куз-қудратли, баҳодир халқдир.
У босган изидан, айтган сўздан, таллаган
йўлидан қайтмайдиган ўз сўзли Ўзбекдир.
Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов
башорат қилганидай, бутун дунё тан олаётган-
дай, истиқболи порлоқ, истиқлоли мулоқ
ва келажак буюк давлатдир! Ва шундай бў-
лади!

◆ Танлов ҳомийси — «Тўқимачилик ком-
бинати» Тошкент ил-газлама ишлаб чиқариш
бирлашмаси.

* Хадича Сулаймоновани

80 йиллиги олдидан

Гавҳар РАҲИМОВА:

«Жуда қатъиятли эди»

○ Умри бежиз оқар дарёга қиёслашмайди. Орами-
да шундай табаруқ нисонлар борки, уларнинг ҳаёт йў-
ли мисли дарёдек улугъор, сермазундир. Хадича Су-
лаймонова ҳам ана шундай ибратли умр кечирди,
ўзидан кейини муносиб ўз қолдирди. Атоқли олми-
жамоат арбоби, академиклик даражасигача кўтарилиб,
эл орасида обрў-эътибор топи. Халқимизнинг фахри
бўлган бу элбўз қиз билан ҳамсухбат, ҳамнафас бўл-
ган нисонлардан бири машҳур санъаткор, Ўзбекистон
халқ артисти Гавҳар Раҳимовадир. Биз унинг хонадо-
нига таширф бўйриб, суҳбатлашдик.

— Гавҳар опа, сизни
труппасига бориб ишладими.
Муҳаммад Қори Ёқубов
Тамарахоним, Юсуфжон
қизик Шайхонхонов каби
устоз санъаткорлар билан
бирга ишлагани, уларнинг
отанини ҳаётларидан хабар-
дор бўлган нисон сифатида
яхши биламиз. Соғ-сало-
матимизми?

— Раҳмат, ўғлим. Мус-
тақил юртда кесеклик таш-
тиш сураётганимга шуқур
дайтман. Ёшим 80 дан
ошган бўлса ҳам кўриб
турибсиз. Ҳўл тиниман,
гайратим қўл. Ўйланган
керак, ҳозир Зебо Ғаниева
номидидаги дастанинг бадиий
раҳбариман. Биз турли
давлатларда Ўзбек аскарлари
томонидан айтилган, айни
пайтда унут бўлган ҳарбий
қўшнларини излаб топиб,
ҳарбий қисмларда икдро
этильми.

— Хадича опа билан
қаерда қўришгансизлар?
— Бир кун Махфират-
хожи деган аёл бизни уйи-
га меҳмонга тақлиф қилиб
қолди. Келимиз, яхшиси бу
воқеани таъриб беришдан
олдин театрга қандай кел-
либ қолганим ҳақида бироз
тўхтали. Шунда Хадича-
хон билан қандай шароит-
да танишганимиз тўла ой-
динлашди.

— Майли, бажонидил.
— Болалгим болалар
уйида ўтган. Почмак Му-
ҳиддин ака билан Тамара
опам меини Қўжон мусиқали
драма труппасига олиб
келишганда 16 ёшга эди.
Ушда кезлари труппада роль
икуро этакдан актёрлар
деярли йўқ эди. Мен Юсуф-
жон қизик ҳамда Уста
Олим ананинг тўғрагида
иштирок этиб, дутор ва дои-
ра чалишини, лапар айтиш-
ни рақса тушишини ўра-
ниб олдим. Ғулом Зафарий-
нинг «Халима» спентаси-
да Холжон хола полини
икуро этганим ёдимда. Ан-
тёр Мария Куанецова «Фар-
ҳод ва Ширин» пьесасида
ги Моҳибону роли устида
ишлаганимни яқиндан ёрдам
берди. Орадан икки ой
ўтгач театр намоисига
Сониб Хўжаев келиб қўш-
илди. Бир қанча вақтдан
кейин труппанинг бир гу-
руҳ ижодкорлари сафида
Андинжон мусиқали драма

лотларининг асосий қисми республикамиз

дўконлари пештахталаридан жой олади.

СУРАТЛАРДА: мусаввир Барно Тўйлиева

ишлов берган маҳсулот ҳар дом сифат-

ли чиқади. Корхона цехларидан бирининг

умумий кўриниши.

У. Ортиқов ҳамда А. Шағоев суратлари.

Бозор иқтисодиёти қийинчиликларига

қарамасдан бу йил Тошкент чинни заво-

ди ишчи ва хизматчилари бир ярим мил-

лард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга

аҳд қилишди. Булар пишиқ ишланган

15 хил чой сервиси, пиёла, коса, лаган,

ваза ва бошқалардир. Шуниси қувонарли-

ки, корхонада ишлаб чиқарилган маҳсу-

лотларининг асосий қисми республикамиз

дўконлари пештахталаридан жой олади.

СУРАТЛАРДА: мусаввир Барно Тўйлиева

ишлов берган маҳсулот ҳар дом сифат-

ли чиқади. Корхона цехларидан бирининг

умумий кўриниши.

У. Ортиқов ҳамда А. Шағоев суратлари.

Меҳмондорчилигининг эрта-
сита мен Муҳиддин акага
Наимахон, Оқилахон ва
Хадичахонлар ҳақида гапи-
риб бердим. «Қори ака,
сизлар ичкарида ўтирдир-
лар, айвонда эса роса ўйин
қилиди» дедим. «Қизлар-
нинг турар жойини билиб
олмадингизми?» сўради-
лар у киши. Мен тасдиқ
ишорасини қилгач, эртасига
Тамара опам билан уччи-
ми қизлариникига қараб
йўл олдим. Оқилахон ва
Наимахонларнинг онаси
«Бундай гапни оғзингизга
олманг, қизларим доктор
бўлишди» деди. Хадича-
хон ҳам улар билан бирга
экан. Муҳиддин ака унинг
фикрини сўраган эди «Онам
рози бўлсалар ҳам мен
зақуччи (хуқуқшуносни
шундай дейишарди) бўла-
ман», деб жавоб берди.
Шундай бўлса ҳам бира-
лашиб Хадичахоннинг хо-
надонига бордик. Унинг
онаси келишимизнинг са-
бабини олдиндан билган
эканми, ҳовлининг ўртиси-
да кир юваётган жойидан
ўрнидан туриб ёнимизга
келди. «Қори, агар меҳмон
бўлиб келган бўлсанг ай-
вонча чиқ, дастурхон
тайёр», деди у. — Мабо-
до қизимни артист қилмоқ-
чи бўлсанг, қўшаб қол!»
Масала равшан эди.

Хадича опа билан
бирга тушган, садалик су-
ратлари қолганими?

— Девоғдики турли хил
суратларга қараб айтга-
нларининг сеиби турибман.
Бу ерда меннинг йиллар
давомида турли жойларда
ўз санъатимни намоиш
этган пайтларим, Муҳиддин
ака, Тамара опа, Юсуфжон
қизик, Сониб Хўжаевдек
етук нисонлар билан бирга
кечган давларим, ҳатто
умр йўлдошим, майор
Ғулом Раҳимовнинг Шимо-
лий Кавказ фронтда гене-
рал Собир Раҳимов билан
бирга тушган суратларига-
ча бор. Аммо афсуслар
бўлсини, Хадичахон билан
бирга бир қанча вақт бирга
бўлишимизга қарамай, су-
ратга тушмаган эканмиз.

— Хадича опа билан
кейинчилик ҳам учрашиб
турдингизми?

— Қўпича Хадичахон
концерт дастурларимизга,
урашуларимизга таширф
бўйриб турарди. Катта
аникумалар, шунингдек
матюотда у ҳақида бирор
нарсга ўқиб ёки эшитиб
қолсам дилим ифтихор
туйғуларига тўларди. Бу
Ўзбек қизининг ҳаёт йўлини
қувват эканман, шу нарас-
га ифтор бўлдими, киши
болалигидан ўз ораси йў-
лида қатъий туриб ишти-
ла, албатта унга эришар
экан. Хадича Сулаймонова
ҳам қўзалаган эгу мақсади
учун бор куч-гайратини
аямади. Шу бонедан ету-
лим, республикамизда ку-
за қўриган ҳуқуқшунос,
академик даражасига
қўтарилди. Бундай нисон-
лар бизнинг фахримиз бў-
либ қолади.

— Хадича опа билан
таълиф қилиб кўрма-
дингизми?

— Таълиф қилганда қан-
дон. Алий шу қуларда
бизга ишдорли, санъатга
ҳавас қўлган қизлар сув
билан ҳаводек зарур эди.

— Хадича опа билан
таълиф қилиб кўрма-
дингизми?

— Таълиф қилганда қан-
дон. Алий шу қуларда
бизга ишдорли, санъатга
ҳавас қўлган қизлар сув
билан ҳаводек зарур эди.

* Бизнинг суҳбат

ЎЗБЕК ФУТБОЛИ ШУҲРАТИ
ОЛАМГА ЁЙИЛДИ

Клубимиз талаба-ўйинчиларимизнинг билим олишлари учун шароит яратиб бериш, назорат қилишни ҳам зиммасига олган.

Бундан ташқари, уларга малакали тебоний хизмат кўрсатиш, зарур дорилар билан таъминлаш, доимо «Ўзбекистон» спорт базасида бўладиган йилларимизнинг маданий дам олишни уюштириш, корхона ва ташкилотлардан тушадиган таъкидларга асосан жойларда уйрашувлар ўтказиб футболчиларимизнинг кайфиятини янада кўтариш, масъулиятини ошириш имкониятларини қилдириш.

— Янада «Малина» трингнинг ишлаб чиқариш бirlашмасида ўтказилган учрашувнинг таърифи янгилик. Жуда самимий мулоқот бўлди, дейишди. — Нимасини айтасиз? Аввало, бирлашма бош директори Рустамжон Ғуломовнинг ўзи ҳақиқий футбол шайдоси. Бундан ташқари, у ерда тиклалдиган спорт кийимлари хорижий давлатлар махсусотларидан қилинмайдиган. Ҳа, кунни «Малина» жамоаси ҳар бир пахтакорчи спорт кийимлари совға қилишдан ташқари, ўзини клуб ҳомиеси деб ҳам эълон қилди.

— Яна қандай ташкилотлар, шахслар «Пахтакор»ни қўллаб-қувватлаш нияти билдиришмоқда?

— Ваҳоланки гап амалий ёрдам ҳақида борар экан, мен биринчи навбатда шахримиз Ҳокимни, Тошкент футбол федерацияси раҳбари Аҳмадбек Фозилбеков томонидан кўрсатилган доимий ғамхўрлик ва ёрдамни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Чунки у кишига қайси масалада муножбат қилмайлик, доимо ёрдам қилиш чўзиб келади. Бизнинг муаммоларимиз билан қизиқиб уларни бартараф этишда катта мадд бериб, кайфиятимизни кўтарди.

Ёхуд шахримизнинг манаман деган ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари ўзлари ташаббус билан чиқиб жамоамизнинг моддий-техника базасини

бойитиш ишига ҳисса қўлиш ниятида ақалликлари билдиришмоқда. Улар орасида шахримиздаги барча туман ҳокимлари, «Юлдуз», «Среднеазиатрапид» бirlашмалари, «Ўзбекистон», «Тошкентга» концепция, чини заводи, «Тошкент-Котон» Ўзбекистон—Италия қўшма корхонаси бор.

Бундан ташқари «Наврўз» хайрия жамоамиз, агар жамоамиз чемпионлик унвонини бу йил ҳам қўлга киртса, ҳар бир ўйинчимизга 100 минг сўмдан муқофот пули беришни режалаштирмоқда.

— Шухрат Илҳомович, «Пахтакор» клубининг моддий-техника базаси яратилди, лекин, асосий муаммо ҳал бўлди, дейиш мумкин эканми?

— Албатта, айни кунлардаги моддий аҳволимиздан нолмасак ҳам бўлади. Биз клубимизга ёрдам қилиш чўзиётган барча корхона, ташкилотлардан миннатдорлик, лекин доимо уларнинг қўлига қараб қолишни истаймиз. Ниятимиз клуб қўлида турли-туман махсусотлар ишлаб чиқаришга иктишосланган кичик корхоналар ташкил этиш. Бу ишда бизга яна ўша «Малина», «Юлдуз» бirlашмалари ёрдам беришмоқчи. Энди биз шаҳар, ҳатто республика эмас, балки дунё талабларини ҳисобга олган ҳолда фикрлашимиз лозим. «Пахтакор» ҳам келажакда хорижий жамоалар каби ўзини ўзи масола билан тўла таъминлай оладиган, ҳатто, халқимизга миллионлаб фойда келтирадиган, ҳар қандай ўйинчи ага қудратли клубга қадам ўсиб етиш имкониятлари бор.

Асосий мақсадимиз аса бири-биридан мазмунли йиллар кўрсатиб халқимизга қувонч бахш этиш. Осиё, Европа, қолверса, жаҳон биринчиликларида иштирок этиб, ўзбек футболнинг шуҳратини оламага ёйиш ниятларимиз бор. Токи халқимизнинг миллий гурури футболда ҳам ёрқин асн этиб турсин.

— Клуб президенти сифатида қан-

дай муаммолар Сизни кўпроқ ўйлаштирмоқда?

— Муаммоларимиз талайгина. Гарчи жамоамиз ёш бўлсада унинг келажиги ҳақида бугун қайғурмасак бўлмайди. Илгари бутун республика биргина «Пахтакор»га ўйинчилар тайёрлаб берарди. Энди ундай эҳтимолга таянган ҳолда иш олиб боришимиз керак. Бугунги кунда, очигини айтиш керакки, ҳар қандай одамда «Пахтакор» даражасидаги жамоа республикада йўқ. Хорижда юртимиз шарафини фақат «Пахтакор»гина муносиб ҳимоя қила олади, ҳовир. Лекин чет элга бориш, ўйинчиларимизни тажриба орттиришга хорижага юбориш учун валюта керак. Бизда эса валюта йўқ. Агар эркин муомаладаги валютасига эга корхоналар, қўшма корхоналар бу масалада бизни қўллаб-қувватласалар, биз ҳам ўз навбатида уларни хорижий савфларимиз мобайнида реклама қилиб боришни зиммамизга олган бўлардик.

— Шухрат Илҳомович, энди клуб раҳбари эмас, оддий мухлис сифатида ўзининг қийинатган мулоҳазалар билан ўртоқлашсангиз.

— Э, ушакон, қайси бирини ҳам айтмай, Бозор муносабатлари жуда ноэтиқ ҳодиса экан. Кўпчилик дунёнинг бориб-қелишини пул билан ўлчайдиган бўлиб қолди. Баъзи бир футболчиларимизда мулоқотни фақат моддий манфаат нуқтаи назаридан туриб олиб бориш авж олган. Улар она-Ватанга муҳаббат, киндик қони тўкилган тулпарча, тарбиялаб шу даражага етказган халққа ҳурматини эсдан чиқариб қўйишпти. Турғи, футболчиларимизга ҳам осон эмас, бирининг оиласи, бола-чақаси бор, бошқаси уйлениш ҳаракатида юрибди. Лекин биз ҳам қараб турганимиз йўқку, Давлат раҳбаридан тортиб корхона директори, ҳатто ишчишига футболчиларимизга етарли шарт-шароит яратиб бериш учун жон қўйдирипти. Бу миянат қилиш эмас. Ўйинчиларимиздан қиладиган талабимиз битта — маҳоратларини жонажон ўйинҳоҳларида кўрсатиб, халқимизни шундай оғир шайроғда раҳмон қўллаб-қувватлаб турсинлар, Осиё, қолверса, Европа қитъасида жаҳон биринчилигида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилсинлар.

Футбол нима ўзи? Бу — сеvimли жамоамизнинг ғалабасидан сўнг бир неча бор ортадиган ишлаб чиқариш унвони демандир.

Балки айрим футболчиларимиз бегона юрларда кўпроқ даромад олишга муваффақ бўларлар. Лекин дунёнинг бор бойлигини ўзининг она халқининг савимли оқлиқлари, унинг қўллаб-қувватлашлари, ҳурмату эътибори боса олармикан? Мен ўйинчиларимизнинг том маънодаги фидойи нисонлар бўлишларини истардим, токи, бугунги муваффақ қийинчиликлар ортда қолганда бир-биримизнинг кўзимизга тик қарай олишга қодир бўлайлик.

— «Пахтакор» мухлисларида қандай тиллақларингиз бор?

— Сеvimли «Пахтакор» жамоамиз қайтадан туғилмоқда. У ўзининг дастлабки дидил одимларини қўймоқда. Бундай пайтларда биз қадрили мухлис-ларимизнинг қўллаб-қувватлашига жуда муҳтожмиз, уларнинг руҳий мададига зориим.

Мухлисларимизга тилагим: азиялар, ўйинҳоҳа келинлар, жонажон жамоамиз, сеvimли ўйинчиларимизни қўллаб-қувватлаб туринлар. Талабимизга даражасида ўйин кўрсотолмаган кўнмиз танқидий фикрларингиз, тақдирларингиз билан ўртоқлашинлар. Ёш, умидли спортчиларни ишлаб топнишга қўмаклашинлар, маслаҳатлар беришлар.

Зеро, «Пахтакор»нинг илгариги шуҳрати, анъаналарини тиклаш, унинг ёрқин ғалабаларга тўла порлоқ келажакини яратиб баришимизнинг қўлимизда.

Суҳбатдош Шухрат АРМОН.

● СУРАТДА: «Пахтакор» жамоаси ҳужумда.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОМЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ
АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
1993 йил 1 июндан бошлаб
АҲОЛИГА ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ
ХИЗМАТЛАРИ УЧУН ҲАҚ ТўЛАШ БЎИЧА
ЯНГИ ТАРИФ БЕЛТИЛАНДИ.

Абонентлик ҳақи	Пилла (сўм)	Ойига (сўм)
1. Асосий телефон аппарати учун: (хонадонлардаги телефонлар) шахсий фойдаланиш телефони	696	58
2. Хонадонлардаги жуфтланган ва параллел, ҳар хил абонентларнинг ўриятлигилан телефон аппарати учун: шахсий фойдаланиш телефони	936	78
3. Шахсий фойдаланиш телефони	552	46
4. Шахсий фойдаланиш телефони	744	62

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА
РАДИОАЛОҚАЛАШТИРИШ ИШЛАВ ЧИҚАРИШ БИР-
ЛАШМАСИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ФАН ВА
ТАРАҚҚИЕТ» ИЛМИЙ-ТЕХНОЛОГИК
КОМПЛЕКСИ

лаборатория ва бўлимлар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА
ТАНЛОВ ЭЪЛОНИ ҚИЛАДИ

композицион ва полимер материалларни қайта ишлаш лабораторияси мудири, катта илмий ходими; композицион ҳимояловчи материаллар лабораторияси катта илмий ходими; бўёқлар, сирлар, ранглар технологияси лабораторияси катта илмий ходими, кичик илмий ходими; ноорганик композицион материаллар лабораторияси катта илмий ходими, илмий ходими, кичик илмий ходими, композицион материалларнинг тизими ва мустаҳкам-лиги лабораторияси катта илмий ходими, илмий ходими; кичик илмий ходими; электротехника мақсадли композицион материаллар лабораторияси катта илмий ходими, кичик илмий ходими;

резинопласт лабораторияси катта илмий ходими; илмий техника бўлим катта илмий ходими;

компьютерлаштириш ва ахборот таъминоти бўлими катта илмий ходими;

ташқи алоқа бўлими бошлиғи, етакчи мутахассиси (испирит таъминоти бўлими шарт);

қайта таъмирлаш ва қурилиш ишлари бўлими бошлиғи, катта мутахассиси;

демонстрация бўлими;

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 1993 йил 20 июнгача.

ҚЎИДАГИ ЛАВОЗИМЛАР БЎИЧА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

юрис-матлаҳатчи; ишлаб чиқариш билан алоқа боғлаш бўлими муҳандиси;

техниклар; етакчи конструктор; катта конструктор, конструктор.

Бизнинг манзилҳо: 700095, Тошкент шаҳри, Талаб-лар шаҳарчаси, Мирзо Ғолиб кўчаси 7-«а» уй, Ўзбекистон Республикаси «Фан ва тараққиёт» илмий-техноло-гик комплекси.

Маълумотлар учун телефонлар: 46-39-28, 46-83-21, 46-53-35

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ
РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
РАДИОЭЛЕКТРОТЕХНИКА

Ўзбекистон давлат концернининг

«ТЕХНИКА ҲАЁТГА» КИЧИК КОРХОНАСИ
(«Асбоблар ва ҳисоблаш техникаси» дўкан-салони)
ҚЎИДАГИЛАРНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ.

— ВК-8071 қора-оқ монитори;

— «Искра-1030»; ЕС-1841; ЕС-1842 хусусий компь-ютерлари;

— компьютерлар учун столлар;

— «Шар» ўйин компьютери;

— 5,25 магнит дискетлари;

— телекамералар ВМ-403 видеомагнитофони;

— С-11 Биолам микроскопи;

— ТК-67 телефон капсулалари;

— МТ-55 телефон гўшақлари;

— стол пармалаш дастгоҳи;

— УАС-15; УАС-12 автомат сигнализаторлари;

— милли РН-6; РН-10 ц стол тарозулари;

— 12 разрядли бухгалтерлик калькулятори;

— УРБ қозғоқ қирғиш дастгоҳи;

— ҳар хил осциллографлар;

— генераторлар, электр чархлагичлар, двигателлар, насослар, пайвандлаш трансформаторлари, чиқоқлар, сирлар, кабеллар, узайтиргичлар ва бошқа халқ истеъ-моди моллари.

Мулоқот телефонлари: 78-02-49, 78-40-43.

«УЗВТОТРАНС» ДАВЛАТ КОРПОРАЦИЯСИННИНГ
700005, Тошкент шаҳри, 8-Март кўчаси, 57-уйда
жойлашган

«УЗВТОТРАНССЕРВИС» РСК ХўЖАЛИК
ҲИСОБИДАГИ УНИВЕРСАЛ МАЙДА-
УЛТУРГИ САВДО КОРХОНАСИ

меҳнатчилар жамоамизнинг ХўЖалик ҳисобидида ун-версал майда-ултурги савдо корхонасини жамоа корхо-насига айлантириш тўғрисидаги таллошмасига му-вофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мол-мулк ко-митети томонидан уни давлат тасарруфидан чиқариш комиссияси ташкил этилди. Жамоа корхонаси «УЗВТО-ТРАНС» Давлат корпорацияси «УЗВТОТРАНССЕР-ВИС» РСК ХўЖалик ҳисобидида универсал майда-ултур-жи савдо корхонасининг Низомини ҳақида у билан тузилган шартномалардан келиб чиқадиган барча мажбуриятлар-нинг бажарилишини ўз зиммасига оладиган ҳуқуқий во-рисис ҳисобланади.

«СРЕДНЕАЗИЯКУЛЬТОМОНТАЖ»
БОШҚАРМАСИ

металл конструкцияларнинг монтажчилари, электр монтажчилар, электр-газ пайвандчилар, электр монтаж-чи-созловчилар, таърибали (монтаж қилиш-созлаш) участка бошлиғи, монтаж қилиш-созлаш бошқармасида камиди 5 йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган молли-иқтисод бўлими бошлиғининг ўринбасарини

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-33-05, 44-55-67.

Манзилимиз: Уйгур кўчаси, 2 «а» уй (Тошкент дав-лат цирки ёнида).

Тошкент шаҳар Киров районидида Г. Димитров номи 9-урта мектаб томонидан Э.Шуклово Раино Асомиддиновна номига берилган А-502675 соғли йўқолган ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

* Яхши ўдумларимиз

СОБИҚ ЎҚУВЧИЛАР
ДИЙДОРЛАШУВИ

Янасарой туманидаги 118-мактабда ўтказилган «Сўнгги кўнроқ» таъна-на» бундан 25 йил муна-дам билим даргоҳини би-терган собиқ ўқувчилар ҳам таъриф бўлишди. Шун-си диққатга сазоворки, уларнинг асарияти фарзанд-лари бу йил битирувчи синф ўқувчиси бўлган ота-оналар эди. Собиқ ўқувчи-лар ўзларига 1-синфдан сабоқ берган азия устозла-ри, ҳам маориф аълоҳисн Қўбон оид Исматов, тарих фани ўқитувчиси Суннат ака Мирзаев, мактабнинг ўша даврдаги раҳбари Бур-хон ака Нўрмонов ва бош-қаларни қизини қўлаб, ўз-диқ сузларини наҳор эди-лар. Шундан сўнг улар ўз-ларини ўз йил давомида таъ-лим олган синфларга кириб, ўқувчилар йилларини ас-

Туманидаги 144-макта-бининг фидойи ўқитувчилари-дан бири, халқ таълими аъ-лоҳисн Бўрихўжа ака Али-мовнинг кўтлуг 80 йиллик тўйига бундан 25 йил алга-ри у кишининг қўлида таъ-лим олган шогирдлари ке-лишиб, устоз билан дийдор-қилишди. Кечага йилгиз-галлар ўз умрини таълим-тарбияга бағишлаб келадиган бу муаллимнинг шарафли-йўли, ушбу даргоҳда сарф-лаган баракали меҳнатлари тўғрисида тўқиниланиб га-пиришди. Ойбек муқофоти-нинг номзоди, ёзувчи Да-ҳодхон Нурий шу билим дар-гоҳида Бўрихўжа ака билан бирга ишлашган даврларини эслаб, ўз хотиралари билан ўртоқлашди.

— Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида мана шундай тўйни дастур-

Республикамиз ўз му-стақиллигини қўлга кирит-ган бир пайтда мана шун-дай аълоҳи замонавий урф-одатларнинг қаётимизга ҳу-қур сингиб бераётгани сўз-кур турмушимизни беэайди. Энг муҳими, бундай ай-лаларда иштирок этаётган ёшларимиз устозлар меҳна-тининг қадрига етиб, қа-димдан урф бўлиб келадиган ўдумларимизга меҳнатини аниқлаб етмоқдалар.

Зулфия ДУСМУҲАМЕДОВА.



* Ҳар тўғрида

МОСКВА. Моссветнинг мармр биносига Россия пой-тахти мэри (ҳокими) лавозим-ига давлатор номзодлар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда қатнашган ҳар бир ном-зод ўзининг сайловдаги дасту-рини баён этиш ва фуқаро-ларнинг қизиқтирган савол-ларга жавоб бериш имкон-ига эга бўлди.

СУРАТДА: Москва шаҳри мэри лавозимига давлатор Ҳоким Шамил ҳазрат Аҳмад саяловчилар билан суҳбатда.

○ ТАТАРИСТОН. «Камаз» ил-мий-техника марказида «УАЗ-452» тури асосида янги авто-мобилининг таъриба нусхаси-ни тайёрлаш ишлари ажу-ланмоқда.

Янги моделининг томи қилинлаштирилган, орқа ойнас куйдирилган, ички қисми, о-стонас кенгайтирилган, қанот қисмларининг ўзига хос бў-лишга алоҳида эътибор бе-рилган.

Мутахассисларнинг меҳнати зое ютмади, янги илм автомобилни ҳар қандай мураккаб йўларда юришга, суя тўқсиларини босиб ўти-шга қодирлар.

РАТА—ТАСС суратлари.

* Жиноят жазоси қолмайди

ЗИРАК ЎҒРИСИ УШЛАНДИ

ИНСОННИ НИСОН айлаган меҳнат дейи-шади. Ҳеч қерда фойдали меҳнат билан шу-ғулланмаган Умар Серимсоқов эса бу ҳу-сусда бошқача фикрда чоғи. У Ҳадра майдонидан кетиб бораётган фуқаро Г. Аҳ-медованинг қўлидаги тилла зиракни қўридан нияти бўзилди. Аёлининг ҳаракат йўналишини ўзича тахмин қилиб, қамалаб бироз олдинроққа ўтди-да беркинби тур-ди. Сўнгра Г. Аҳмедова яқинлашган писиб келиб унинг қўлидаги зиракларга ёпишиб, уларни бор кучи билан тортиб юлиб олдиди қонини тўшди. Оғриқ аэо-бедан кичкириб юборган аёл ан атрофда-

гиларни ёрдамга чақирди. Шу ерда юр-ган милиция ходилари жабрланувчининг овозини эшитиб ёрдамга ошдилар ва жиноятчининг тез орада қўлга туширишга муваффақ бўлдилар.

Маъжур жиноят ишн кўриб чиққан Кур-бон Тошматов раислигидаги Шайхонтоҳур тумани халқ суди Умар Серимсоқовин аёйдор деб топи ва уни беш йил му-датга озодлиқдан маҳрум этди.

Шерзод УСМОНОВ.

Мухаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

МУАССИСЛАР:
Халқ депутатлари Тошкент
шаҳар Кенгайти ва
«Тошкент оқшоми»
журналистларининг жамоаси

Газета Ўзбекистон Респу-бликаси Давлат маъбуот ко-митетида рўйхатга олинган.
Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва яшанбадан
ташқари ҳар кун ўзбек
тильида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 33-29-70;
эълон ва тижорат
хабарларини жойлаштириш
масалалари бўйича
32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат
хабарлари аниқ ва
тўғрилиги учун
жаъобгарлиги уларни
берган таъминот ва
шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛҲОҒИМИЗ: 700006, ГСП,
Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Вукуртия Г.—236. 19919 нусхада
босилди, ҳокими — 2 босма таъриф. Офсет
усулида босилган, Қўша бичими А—2.
Нашр қўрсаткичи 64690.